

35(075)

Ф-98

ЎЗБЕКИСТОН
ИЛМУ КУТУБХОНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ИНСТИТУТИ

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ АСОСЛАРИ

(МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ИНСТИТУТИ

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ АСОСЛАРИ

(МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИ)

ТОШКЕНТ - 2003

35 (075)
Ф-98

35 (075)

Фуқаро муҳофазаси асослари (маърузалар тўплами).
Муаллифлар жамоаси. 2003 йил. 344 бет.

Ушбу тўпламдан фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасига доир материаллар ўрин олган бўлиб, фавқулодда вазиятлар, улардан муҳофазаланиш йўллари, муҳофазанинг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, муҳандислик-техник ва махсус асослари билан таништирилади.

Тўплам бошқарув органлари раҳбарлари, фуқаро муҳофазаси мутахассислари, раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказлари ўқитувчилари, олий ўқув юртлари ҳамда коллежларнинг ўқитувчилари ва талабалари, хавфсизлик масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Фуқаро муҳофазаси институти Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва маърузалар тўплами сифатида тавсия этилган.
2-сонли мажлис баёни, 26 феврал 2003 йил.

Муҳаррир:

Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғи Т.Б. Тўйчиев.

Тўпламни тайёрловчилар:

Юнусов М.Ю.-гуруҳ раҳбари, техника фанлари доктори, профессор

Илёсова З.Ф.

Обидова Ф.А.

Исмоилов М.Р.

Исмоилов Т.А.

Тақризчилар:

1. Р.Н. Қодиров – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарлар таркибини тайёрлаш бўлими бошлиғи, техника фанлари номзоди.

2. А.Қ. Қудратов – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институтининг «Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва иссиқлик техникаси» кафедраси мудир, т.ф.д. профессор.

3. Б.Ф. Файзиев – Тошкент-1 Давлат тиббиёт институти ҳарбий кафедра бошлиғи, тиббий хизмат полковниги.

«Al-Vair» МЧЖ bosмохонасида bosилган.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 10



МУНДАРИЖА

Кириш	5
1. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари (З.Ф.Илёсова)	7
2. Аҳолини ва ҳудудларни табиий хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш (Р.Н. Абдуллаев, У.У. Умаров, М.Ю. Юнусов)	25
3. Аҳолини ва ҳудудларни техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш (М.Ю. Юнусов, Т.Ю. Қирғизбоев)	49
4. Халқ хўжалиғи объектлари ва ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарорлигини ошириш (М.Ю. Юнусов, А.И. Кротов, А.Т. Хатамов)	91
5. Фуқаро муҳофазасининг муҳандислик-техник тадбирлари (М.Ю. Юнусов, А.Т. Хатамов)	120
6. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш (И. Хабибуллаев, А.Г. Штанко)	129
7. Фавқулодда вазият хавфи туғилганда ва юз берганда хабар бериш ва ахборот узатиш. (И. Хабибуллаев, В.В. Трёмбак)	145
8. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари (А.Қ. Нурхўжаев, З.Ф. Илёсова)	156
9. Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш (З.Ф. Илёсова)	173
10. Аҳолини маънавий-руҳий тайёрлаш ва тарғибот (В.С.Никитин, З.Ф.Илёсова)	184
11. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар (В.С. Никитин, З.Ф. Илёсова) .	201
12. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни тиббий таъминлаш (М.В.Еникеев, И.Р.Раҳмонов, К.Ж. Худойкулов)	216
13. Фуқаро муҳофазасини бошқаришнинг иқтисодий омиллари (О.Х. Мақсудхонова)	231

14. Фавқуллодда вазият шароитида фуқаро муҳофазаси кучларининг моддий-техник таъминоти (З.Т. Саатов, Д.Х. Жуманов, А.А. Комилов).	248
15. Фуқаро муҳофазасини бошқариш (И. Хабибуллаев, А.Г. Штанко, А.А. Комилов).	262
16. Хорижда аҳоли муҳофазаси (З.Ф. Илёсова)	280
17. Фуқаро муҳофазасининг ўқув машқлари (Ж.Ш. Шарипов)	297
Фойдаланилган адабиётлар.	337

К И Р И Ш

«Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди».

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ инсон манфаати, унинг кадр-қиммати, саломатлиги энг олдинги ўринга қўйилди.

Президентимиз олиб бораётган доно сиёсат, ҳуқуқий демократик давлат қурилиши йўлидаги саъй-ҳаракатлари туфайли республикамиз аҳолисининг турмуш тарзи, маданий ва маънавий ҳаёти кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Янги минг йиллик шароитида яшарканмиз, энг аввало янгича фикрлаш, янгича яшаш шароитига ўтиш лозим. Бу шароитда инсон — табиат-жамият ўртасидаги мувозанатни сақлаш фақат қонунлар устуворлиги ва кенг кўламли изланишлар асосида бўлиши мумкин.

«Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳуқуқий фуқаролик жамияти бўлади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ошириш зарур» (И. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, 31-бет).

Барча фуқаролар томонидан ҳуқуқий меъёрларга риоя этиш, қонун талабларини бажариш, қонунга итоаткорлик демократик фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданияти даражасининг кўрсаткичидир.

Президентимиз таъбирлари билан айтганда биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, аини замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак. Энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар

қатори қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг ташкил этилган Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг асосий вазифаларидан бири ҳам фавқулодда вазиятларда аҳоли ҳаёти ва соғлиғини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилишдан иборат. Бу вазифани самарали ташкил этиш учун муҳофазанинг қонуний, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, муҳандислик-техник, махсус асосларига эга бўлишимиз зарур.

Қўлингиздаги ушбу маърузалар тўплами Сизни айнан ана шу масалалар билан таништириш мақсадида тайёрланган. У Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти томонидан ишлаб чиқилган раҳбар ходимлар — фуқаро муҳофазаси бошлиқлари, фуқаро муҳофазаси мутахассисларини тайёргарликдан ўтказиш дастури асосида яратилди.

Тўпламни тайёрлашдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири раҳбарларни мамлакатимизда содир бўлиши эҳтимол бўлган фавқулодда вазиятлар, бундай фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш, улардан аҳолини ҳамда ҳудудларимизни муҳофаза қилиш йўллари билан таништиришдан иборат.

Ҳар бир раҳбар, ҳар бир фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасининг ходими бундай вазиятлар юзага келган вақтда вазиятга баҳо беришни, тезликда қарор қабул қила олишни, қидирув-қутқарув ва бошқа шошилинч ишларни ўтказишда бошқарувни амалга ошириш йўллари билиши ва малакага эга бўлиши лозим.

Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғи Т.Б. Тўйчиевнинг умумий раҳбарлиги остида тайёрланиб чоп этилган маъруза матнлари тўпламга асос қилиб олинди. Уни тайёрлашда институтнинг профессор-ўқитувчилар жамоасининг кўп йиллик иш тажрибалари асосида орттирилган билим ва тажрибаларидан кенг фойдаланилди.

Маърузалар тўплами давлат тилида бўлгани сабабли, баъзи камчиликлардан ҳоли эмаслигини эътиборга олиб, ўз фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингизни сўраймиз: Тошкент, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 28-уй. Фуқаро муҳофазаси институти.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг қонуний асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фавқулодда вазиятлар вазирининг кўрсатма ва буйруқлари ташкил этади.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг моҳияти ва асоси. Бизга маълумки, XX асрнинг 60-йилларидан фуқаро муҳофааси тизими фаолият кўрсатиб келган. Унинг асосий вазифаси тинчлик даврида ва уруш шароитида мамлакат аҳолисини ялпи қирғин қуроллари ва бошқа хужум воситаларидан ҳимоя қилиш, уруш шароитида халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда ҳалокат ўчоқларида қутқариш ва тиклаш ишларини ўз вақтида самарали амалга оширишдан иборат эди.

Лекин аҳоли ҳаётига фақатгина оммавий қирғин қуроллари эмас, балки бошқа хавф-хатарлар ҳам таҳдид солиб турадики, уларни назардан четга қочириш асло мумкин эмас. Булар турли табиий офатлар, авария, ҳалокатлардир. Содир бўлиб ўтган бир нечта ҳалокатлар (мас., Чернобил атом электр станциясидаги авария, 25000 одамнинг ёстиғини қуритган Спитак zilзиласи ва бошқ.) фуқаро муҳофаасининг ўрни ва вазифаларига бошқача кўз билан қараш керак эканлигини кўрсатиб берди. Фуқаро муҳофааси қўшинлари бундай йирик қўламдаги офатларга қарши курашишга тайёр эмас эканлиги, фуқаро муҳофааси вазифалари фақатгина ҳарбий давр чегарасида қолишлиги мумкин эмаслиги, улар олдига қўйилган вазифалар қўламини кенгайтириш лозимлиги аён бўлиб қолди. Эндиликда фуқаро муҳофааси учун авария, ҳалокат ва табиий офатларнинг оқибатларини тутатиш, авария-қутқарув ишларини олиб бориш билан бирга содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, бундай вазиятларни башоратлаш вазифаси етакчи рол ўйнаши лозим эди.

90-йилларга келиб ядро уруши хавфи камайди, биологик қуроллардан фойдаланиш чеклаб қўйилди, янги-янги замонавий қурол турлари кашф қилиндики, улар одамлар учун хавфли бўлмай, балки халқ хўжалиги объектларини ишдан чиқаришга қаратилган эди. Булар ҳаммаси фуқаро муҳофаази тизими ўрнида янги бир тизим ташкил этилиши лозимлигини исботлаб берди.

Статистика маълумотларига назар ташласак, 60-йилларда ер юзи аҳолисининг 1,6% (ҳар 62 кишидан бири) табиий офат, авария, ҳалокатлардан жабрланганини, 90-йилларга келиб эса бу кўрсаткич 3,5% (ҳар 29 кишидан бири)ни ташкил этганини кўрамиз. Бу эса ўз навбатида юқоридаги фикрларнинг тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фуқаро муҳофаази ўрнини бўлиши мумкин бўлган йирик қўламдаги фавқулодда вазиятларга аввалдан тайёриликни таъминловчи янги махсус давлат тизими эгаллаши, у тинчлик ҳамда уруш даврида аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиши лозим эди. Бу тизим аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва қутқарув ишларини ўтказибгина қолмай, бошқа муҳим тадбирларни: хавфли ҳудудларни хариталаштириш, сейсмик мустаҳкам бино ва иншоотларни қуриш, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли башоратлаш ишларини ташкил қилиши ва аҳоли тайёрилигини амалга ошириши лозим эди.

Шу ўринда яна бир масалани ойдинлаштириб олишга тўғри келади. Фавқулодда вазиятнинг ўзи нима, ундан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш деганда нимани кўзда тутишимиз лозим?

Фавқулодда вазият - одамлар қурбон бўлиши, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етиши, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқариши ҳамда одамлар ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса ёки бошқа табиий офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган вазият.

Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш - фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари

тизими, саъй-ҳаракатлари мажмуи.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш - олдиндан ўтказилиб, фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса одамлар соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш - фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказилиб, одамлар ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарни ҳалқага олиб, хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишлар комплекси.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида қўйилган дадил қадамлардан бири - аввал Мудофаа вазирлиги қошида фуқаро муҳофаази ва фавқулодда вазиятлар бошқармасининг, сўнгра эса шу бошқарма негизида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги ПФ-1378 Фармони** билан Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ташкил этилиши бўлди.

Фармон билан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш, шунингдек тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлар вужудга келганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазирлигининг асосий вазифаларидан бири деб белгиланди.

Аҳоли ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза этишни таъминлашга раҳбарлик қилиш республикада **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Фавқулодда вазиятлар вазирга юклатилди. Фармоннинг ушбу бандига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги ПФ-2153 Фармони** билан ўзгартириш киритилиб **Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза этишни таъминлашга**